2015 йил 18 ноябрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (13.042)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф 17 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Кўксарой қароргоҳида Покистон Ислом Республикаси Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Навоз Шариф шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Навоз Шариф учрашувида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

– Ўзбекистон Покистонга нафақат яқин қўшни мамлакат, балки улкан сиёсий-иқтисодий, ҳарбий-техникавий ва инсоний салоҳияти, қулай геосиёсий ўрни ва вазмин ташқи сиёсати туфайли минтақада, муҳим халқаро масалаларни ҳал этишда етакчи роль ўйнаётган давлат сифатида қарайди. Ушбу расмий ташрифингизни узоқ муддатли Ўзбекистон – Покистон муносабатларида муҳим янги босқич, мамлакатларимиз икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ўзаро ишонч ва очиқлик руҳидаги олий даражадаги музокараларни давом эттиришга, кўп қиррали ва манфаатли ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга тайёр эканининг ёрқин ифодаси деб биламиз, – деди Президентимиз.

– Ўзбекистондек буюк мамлакатга яна бир бор ташриф буюрганимдан ғоят мамнунман. Муҳтарам Президент, Сизнинг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсатингиз самарасида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланмоқда, барча соҳалар изчил тараққий этмоқда. Халқаро иқтисодиётдаги мураккабликларга қарамай, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиши кейинги йилларда 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш, энергетика соҳасидаги алоқаларимизни кенгайтиришнинг янги имкониятлари пайдо бўлмоқда, – деди Покистон Бош вазири.

Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 10 майда ўрнатилган. Турли даражадаги сиёсий мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Бу ҳамкорликни изчил ривожлантириш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича ёндашувларни мувофиқлаштириб бориш имконини бермоқда.

Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳияти, геостратегик ўрни, ривожланган инфратузилмаси Покистон учун муҳим аҳамиятга эга. Покистон минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни, денгиз портларига чиқиш имконияти, йирик бозори билан Ўзбекистон учун истиқболлидир.

Икки мамлакат халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу йил июль ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Уфа шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Покистонни ШҲТга қабул қилиш жараёнини бошлаш бўйича қарор имзоланди. Бу мамлакатларимизнинг ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришда яна бир муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида бу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши ва барқарорлик таъминланишидан манфаатдор. Бу мамлакатларимиз ўртасида тўғридан-тўғри транспорт тармоқларини барпо этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш учун имконият яратади.

Ислом Каримов ва Навоз Шариф ўзаро ҳамкорлик ривожига бевосита дахлдор бўлган мазкур масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Афғонистон муаммосини фақат бир йўл – БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро курашаётган томонларни муросага келтириш орқалигина ҳал этиш мумкинлиги ҳақида якдил фикр билдирилди. Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалалар муҳокама қилинди.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларга оид 42 ҳужжат имзоланган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва капитал қўйилмаларни ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилишга оид битимлар савдо-иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Покистонга пахта толаси, кўнчилик хомашёси, транспорт ва туризм хизматлари экспорт қилади. Покистон мамлакатимизга дори воситалари, кимё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беради, транспорт хизмати кўрсатади.

Мамлакатимизда Покистон капитали иштирокида 57 корхона ташкил этилган. Улар савдо, тўқимачилик, кўнчилик, озиқ-овқат, қоғоз ишлаб чиқариш, транспорт ва туризм соҳаларида фаолият юритмоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестициявий форумда покистонлик ишбилармонлар фаол қатнашди.

Музокарада ўзаро товар айланмаси Ўзбекистон билан Покистоннинг иқтисодий салоҳияти ва кенг имкониятлари даражасида эмаслиги таъкидланди. Фойдаланилмаётган ресурсларни ишга солиш, савдо айланмаси ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш масалалари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Покистон ҳукуматлараро комиссияси ишини фаоллаштириш, унинг мажлисларини мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик ривожи нафақат мамлакатларимизнинг узоқ истиқболли манфаатларига хизмат қилиши, балки бутун минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, коммуникация ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга ижобий таъсир этишини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Покистон тарихи бир-бирига боғлиқ, аждодларимиз илмий-ижодий мероси халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бундай яқинлик маданий-гуманитар алоқалар ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. 1991 йилдан буён фаолият юритаётган "Ўзбекистон – Покистон" дўстлик жамияти томонидан кўплаб илмий-маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Покистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўргазмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, покистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади.

Покистонда Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб илмий-амалий конференциялар ўтказилган. Кўплаб ўзбек олимлари, шоир ва ёзувчиларининг асарлари урду тилига таржима қилинган. 2009 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтида урду тили ва адабиёти кабинети ташкил этилган. Институт мутахассислари томонидан "Урдуча-ўзбекча луғат" ҳамда "Ўзбек ва урду тилларидаги умумий сўзлар луғати" чоп этилган.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. Покистонда Ўзбекистондаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни кўришни хоҳловчилар кўп.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Навоз Шариф Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, ўзаро савдо муносабатларини ривожлантириш, солиқ соҳасида қўшимча имтиёзлар яратиш, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда очиқ ва амалий руҳда ўтган музокараларда ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилганини таъкидладилар. Ушбу ташриф ва унда эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожида янги саҳифа очиши, унга қўшимча суръат бағишлаши қайд этилди.

Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

# ҒУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

***Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди.***



Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат герби, байроғи, мадҳияси азиздир. Шу боис байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янграганда биз руҳан жўшқинликни, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда ғурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз.

Шайх Нажмиддин Кубронинг жасоратини тарихдан яхши биламиз. Ҳамон бу буюк қаҳрамонлик тилдан тушмайди, халқимизни ватанпарварликка, қаҳрамонликка чорлайди. Юрт байроғини ёв қўлига топширишни истамаган Нажмиддин Кубро уни қўлида маҳкам тутганча жон берган. Туғини жонидан ортиқ асраган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби ўнлаб буюк саркардалар ҳаёти ҳам бугун авлодларимизга катта ибрат.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Йигирма тўрт йилдирки, Давлатимиз байроғи халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

***Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон матбуоти" V Миллий форуми ўтказилди.***

# КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ЮКСАК САМАРАЛАР

"Янги давр, янгича ижтимоий муносабатлар – оммавий ахборот воситаларининг долзарб вазифалари" мавзусида ташкил этилган ушбу форумда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, давлат бошқаруви органлари ва нодавлат нотижорат тузилмаларининг матбуот хизматлари мутасаддилари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, журналистлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари С.Ортиқова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Отамуродов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасини тизимли, босқичма-босқич ислоҳ этиш, фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга экани, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва уларнинг қонунга мувофиқ ишлаши белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Вилоят маънавият ва маърифат кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, Бухоро давлат университети талабалари, сиёсий партиялар ҳудудий кенгашлари фаоллари иштирок этди.**

**● Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежида вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан "Конституция – бахтимиз қомуси" мавзусида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.**

**● Фарғона вилоятида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг 9 ойида 548,1 миллиард сўм, 18,3 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланди.**

**● Нукусда Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида фермер ва деҳқон хўжаликларининг иқлим ўзгаришига чидамлилигини ошириш йўллари масаласига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

**● Самарқандда "Камалак" юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● Жанубий Корея олий суди 2014 йилнинг апрель ойида сувга ғарқ бўлган "Севоль" паромининг капитанини умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди.**

**● Америкалик астрономлар Қуёш тизимидан 38 ёруғлик йили узоқликда янги сайёрани кашф этдилар.**

**● Гавайи оролларида қирғоқ атрофидаги сувларда ботибординг билан шуғулланаётган вақтида акуланинг ҳужумидан ўзини йўқотмаган 10 ёшли болакай Рэймонд Сэненеси йиртқич балиқнинг тумшуғига тепган ҳолда уни ўзидан узоқлаштириб, эсон-омон қирғоққа чиқа олди.**

**● Тайванлик мусаввир Лин Ши-Пао 25 минг дона эски мобиль телефонлардан росмана бўй-бастига эга Formula-1 пойга автомашинасини ясашга муваффақ бўлди.**

# ҒУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида ҳилпираб турган байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Давлатимиз байроғи Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафи, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини акс эттирадиган омиллардан бири ҳам айнан байроғимиздир.

Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамёд қилаётган ўғлонлар байроғимиз олдида тиз чўкиб, уни кўзларига суради. Халқаро миқёсдаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ғолиблик нашидасини суради.

Давлатимиз байроғи спортчиларимизга доимо куч-қудрат, жасорат бахш этади. Спортчиларимиз 2015 йилнинг ўтган даврида миллий ва олимпия спорт турлари бўйича ўтказилган қатор халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. Улар эришган ғалабалар шарафига дунё спорт ареналарида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди. Бу миллионлаб юртдошларимиз қалбини чексиз фахрга тўлдирди.

– Нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бизга масъулият, айни пайтда ғурур бағишлайди, – дейди шахмат бўйича 14 ёшгача ўғил болалар ўртасида жаҳон чемпиони Шамсиддин Воҳидов. – Давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганда қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади. Президентимиз томонидан соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор, спорт билан шуғулланиш учун яратилаётган қулай шароит туфайли шундай улкан ютуқларга эришмоқдамиз.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини мужассам этган. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг – мусаффо осмон ва тиниқ сув, еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида халқимиз забт этадиган довонларга йўл очади. Яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони – ҳаётий қудрат ва бардавомлик ифодаси.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз беғуборлик, мукаммаллик, донишмандлик ифодасидир.

Давлат рамзлари муқаддаслигини, улар бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод доимо ёдда тутиши лозим. Байроғимизни эъзозлаш фуқароларда ўз мамлакатига ва келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Байроғимизнинг баландлиги юртимизнинг обрў-нуфузи юксаклигидан далолатдир.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**



Аъло Абдуллаев олган сурат

**Фармон ва ижро**

# КИЧИК БИЗНЕС РАВНАҚИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

***Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони саноат тармоқларини модернизациялаш ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.***

Мазкур фармон асосида шу йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан соҳага оид қонунчилик янада такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ва Тошкент шаҳар божхона қўмитаси томонидан пойтахтимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари ва божхона постларига ташкил этилган медиа-турда мазкур қонуннинг амалдаги самаралари ҳақида сўз юритилди.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб Олмазор туманидаги "Orange Textile" тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишди. 2008 йилда ташкил этилган корхонада саксондан зиёд ишчи фаолият кўрсатмоқда. Бу ердаги босиш, бўяш, қуритиш цехлари Италия, Ҳиндистон, Туркия, Покистондан келтирилган замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган.

– Президентимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар фаолиятимизни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш имконини бермоқда, – дейди корхона директори Ш.Мавлонов. – Жумладан, Маҳаллийлаштириш дастури асосида қўлланилган солиқ ва божхона имтиёзлари туфайли маҳсулотларимиз тури кўпайиб, экспорт қилиш имконияти кенгайди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган технологиялар, эҳтиёт қисмлар ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда фойдаланиладиган техника ва технологияларни юртимизга олиб кираётган тадбиркорлик субъектларига қўлланилган божхона имтиёзлари 11,1 фоизга ошган. Олмазор туманидаги "Osiyo-Batareya" қўшма корхонаси мазкур имтиёзлардан самарали фойдаланаётир. Бу ерда "Asia Plast" савдо белгиси остида иссиқ ва совуқ сув, канализация тизимлари учун пластик қувурлар ҳамда фитинглар ишлаб чиқарилади.

– Товарларни божхонада экспортга расмийлаштириш жараёни тўлиқ электрон шаклга ўтказилгани бизга енгиллик туғдирмоқда, – дейди ЎзА мухбирига қўшма корхона директори ўринбосари М.Алижонов. – Хусусан, экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми ошиб, экспорт географияси тобора кенгаймоқда.

Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кичик бизнес субъектлари салмоқли ўринга эга. Сергели туманидаги "Fayz Dekor Biznes" қўшма корхонаси етти йилдан бери халқимиз дастурхонига сифатли қандолат маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан иборат 80 кишилик меҳнат жамоаси томонидан 40 турдаги ширинликлар ишлаб чиқарилмоқда. Германия, Италия ва Туркиядан келтирилган замонавий технологиялар кунига 15 тоннагача маҳсулот етказиб бериш қувватига эга.

Медиа-тур давомида журналистлар Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Сергели" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости, "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплексининг "Авиаюклар" бўлинмаси фаолияти билан яқиндан танишди.

**Б.БОЗОРОВ**

# КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ЮКСАК САМАРАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси медиа соҳа ривожи йўлида муҳим дастуруламал бўлмоқда. Бунинг самарасида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, таҳририятлар фаолиятига ташкилий-техник, моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашиш, ходимларни қайта тайёрлаш, уларнинг касбга оид билим ва малакасини доимий ошириб бориш кўлами кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни фуқароларнинг ахборот соҳасига оид ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини янада кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари вакилларига давлат органлари фаолиятига оид ахборотларни тўсиқсиз олишнинг ишончли кафолатини яратиш имконини беради.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 3,6 карра кўпайиб, бугун 1,4 мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Айни пайтда босма нашрларнинг 60 фоиздан зиёди, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларнинг 95 фоизи нодавлат медиа тузилмалардир.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан ўтказилаётган грант танловлари, ижтимоий буюртма ва субсидиялар фаолият туридан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнида медиа тузилмаларнинг фаоллигини ошириш, давлат бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган туркум семинарлар марказий ва ҳудудий ОАВ ходимларининг касб салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, маданий-маърифий соҳалардаги изчил ислоҳотлар жараёнига оид билимларини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Фонд томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ўзбекистон матбуоти" Миллий форуми мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, миллий ахборот маконини ривожлантириш, медиа соҳа ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини ривожлантиришнинг устувор масалаларини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Форум ахборот хавфсизлигини таъминлашдек долзарб масалага бағишлангани билан муҳим аҳамиятга эга, – деди ЕХҲТ лойиҳалари координатори Дьерд Сабо. – Ўзбекистонда ОАВ ортиб бориши баробарида уларнинг аудиторияси доимий таҳлил этиб борилаётгани медиа тузилмалар фаолияти самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

– Бугун дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар соҳа вакилларидан билим ва маҳоратини муттасил ошириб боришни талаб этмоқда, – дейди "Бухоро ёшлари" газетаси бош муҳаррири Лайло Ҳайитова. – Шу маънода турли маърифий лойиҳалар ёрдамида таҳририятлар ходимларининг малакасини, фаол фуқаролик позициясини, ижтимоий бурчи ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда ахборот соҳасини ислоҳ этиш борасидаги ҳуқуқий, ташкилий-техник, амалий чора-тадбирлар, ахборот хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш ва мазкур соҳа учун юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, миллий ОАВнинг халқаро медиа маконда муносиб ўрин эгаллаши, рақамли ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши шароитида нодавлат ОАВларни ривожлантириш истиқболлари каби масалалар атрофлича муҳокама этилди, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлашга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

# МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

## қишлоқ хўжалиги ривожига хизмат қилади

Тадбирда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермерлар ва деҳқон хўжаликлари ҳамда ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш, сифатли банк хизматларини кўрсатиш, соҳани ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш борасида сўз юритилди.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бугунги кунда агросаноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш, фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида соҳадаги ўсиш суръати 6,6 фоизни ташкил этди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг маҳсулотлари тури ҳам кенгайиб бормоқда.

Амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган натижаларда тижорат банкларининг ҳиссаси катта. Биргина жорий йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун банклар томонидан салкам 2,4 триллион сўм кредитлар ажратилди. Молиялаштириш борасида эса бир қанча қулайликлар яратилган. Масалан, деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлашда бўлғуси ҳосилни гаровга олиш схемаси қўлланилаётгани туфайли мулкий таъминоти етишмаётган хўжаликларнинг кредит олиш имконияти енгиллаштирилди. Қайта ишловчи корхоналарни молиялаштиришда эса кафиллик механизми кенг қўлланилмоқда. Фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, узум етказиб бериш бўйича тузилган шартномаларга асосан олдиндан 40 фоиз миқдорида бўнаклаш механизми яхши самара бераётир. Уларга жойларда 1,5 мингдан ортиқ мини-банк ва махсус кассалар хизмат кўрсатмоқда.

Бугунги кунда банк кредитлари ва инвестициялари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига жадал кириб бормоқда. Тижорат банкларининг йил бошидан буён ажратган 32,6 миллиард сўмдан ошиқ кредит ресурслари асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантиришга йўналтирилган. Натижада жойларда янги деҳқон хўжаликлари ва якка тадбиркорлик субъектлари сони ортди ва минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Ундан унумли фойдаланиш ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадида мазкур соҳаларга жами 118,3 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилган. Шу билан бирга қоракўлчилик, чорва моллари наслини ва уруғчилик сифатини яхшилашга қаратилган лойиҳалар ҳам пешма-пеш молиялаштириб борилмоқда.

Анжуманда бу борада "Агробанк" акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидлаб ўтилди. Жорий йилда мазкур банк томонидан қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида қарийб 2,5 триллион сўм кредитлар ажратилди. Ушбу маблағларнинг 31 миллиарди қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари сотиб олиш мақсадида, 108 миллиарди озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил этиши, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ҳам маблағлар ажратилди.

– Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларини молиявий жиҳатдан қўллашга эътибор қаратганмиз, – дейди "Агробанк"нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш бошқармасининг бўлим бошлиғи Азизбек Аҳмадалиев. – Шу йилнинг ўтган даврида чорвачиликни ривожлантиришга 55 миллиард, паррандачиликка 5,8 миллиард, балиқчиликка 5,7 миллиард, асаларичиликка 1 миллиард, иссиқхона қурилишига 11,7 миллиард ва уруғлик картошка етиштиришга 1,7 миллиард сўм маблағлар ажратилди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Абдували СОДИҚОВ**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Бугунги кунда мамлакатимиздаги озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан 3 мингдан ортиқ номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ва маҳсулот турлари сони ҳар йили 80-90 тага ошмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш мақсадида 363 та корхонада ISO – 9001 халқаро стандартига мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимлари ва ISO – 22000 стандартига мос озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимлари жорий этилган.***

Озиқ-овқат корхоналари уюшмаси тизимида аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар масаласи бўйича "Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – устувор вазифа" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида журналистларга кейинги пайтда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Матбуот анжуманида таъкидланишича, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси азал-азалдан мавжуд. Дастлаб, одамзот ички туйғу асосида зарарли озуқалардан ўзини ҳимоя қилган бўлса, кейинчалик бу муҳофаза илмий натижалар ва қонунчилик механизмига асосланади.

Маълумки, озиқ-овқат хавфсизлиги иқтисодиётнинг аҳоли эҳтиёжини физиологик меъёрларга мувофиқ ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондиришдан иборат бўлиб, бу ўз навбатида миллат хавфсизлигининг асосий омили ҳисобланади. Унинг асосий мезонлари озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг жисмоний, иқтисодий имкониятлари ва маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлигидан иборат.

Қуйидаги рақамларга эътибор беринг: агарда 1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, авваламбор, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобига қондирилган бўлса, ҳозирги кунда бу эҳтиёжнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қопланмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида республика бўйича 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 116,5 фоиз ўсиш суръати билан 10 триллион 114,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шундан озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан тайёрланган маҳсулот ҳажми 3 триллион 230 миллиард сўмни ташкил қилди ва бу борада ўсиш 125,8 фоизга таъминланди. Айниқса, қандолат, маргарин, шакар, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатларига эришилди. Шу давр оралиғида 46,2 миллион доллар миқдорида инвестиция ўзлаштирилди ва белгиланган башорат кўрсаткичи 101,0 фоизга бажарилди. Бундан ташқари, ҳудудий инвестиция дастури доирасида 291,7 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтириш ҳисобига 1005 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида 10 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Тизимда мунтазам чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги боис озиқ-овқат саноатининг республика саноатидаги улуши ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2011 йилда 12,6 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда деярли 17 фоизга етди.

Мустақиллик йилларида аҳолининг жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 марта, саноат усулида қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмоли деярли 4 баробарга ортди. Бу ҳолат аҳолининг яшаш шароитлари тобора яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда тизимда 8,5 мингдан ортиқ катта-кичик корхоналар иш олиб бормоқда, уларда сифатли маҳсулотлар етказиб беришга эътибор берилмоқда.

— Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш имконияти масаласи таҳлили натижаларига кўра, республика аҳолиси асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган шундай маҳсулотлар билан таъминланган, — дейди Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси ўринбосари Азмиддин Қамбаров. — Мисол учун, республика аҳолисининг гўшт маҳсулотига бўлган йиллик талаби 1,2 миллион тоннани ташкил қилгани ҳолда, 1,9 миллион тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари етиштирилади. Сут ва сут маҳсулотлари етиштириш меъёрга кўра 4,8 миллион тоннани ташкил этади, амалда эса йилига ўрта ҳисобда 8,6 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган оқилона давлат сиёсати озиқ-овқат саноатининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Биргина, жорий йилда 18 миллион тонна мева ва сабзавот етиштирилиши кутилмоқда. Бу ўз навбатида қайта ишлаш саноатида янги ва қўшимча қувватларни ишга тушириш имконини беради.

Анжуманда таъкидланишича, ҳозирги кунда республикамизда озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш учун хом ашё етиштириш миқдорини ошириб бориш, етарли ҳажмда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарини барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун ўрнатилган истеъмол меъёрларига мувофиқ миқдорда ва ассортиментда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг жисмоний ҳамда иқтисодий имкониятларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар, ўз навбатида, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг ўз қизиқишлари бўйича касб-ҳунар танлашларига кўмаклашиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

# БАРЧА ЗАМОНАВИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРГА ЭГА МАСКАН



Аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида жойларда замонавий, барча шарт-шароитларга эга масканлар капитал таъмирланиб, реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилмоқда.

Жумладан, куни кеча Чилонзор туманида 15-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими кўмагида қайтадан қад ростлаган марказ туман аҳолиси, айниқса, ёшларнинг севимли ва кўнгилочар масканларидан бирига айланади.

Замонавий шарт-шароитларга эга масканни айланар эканмиз, ёшларимизнинг ўз қизиқишлари бўйича билим ва кўникмаларини бойитишлари учун барча нарсалар муҳайё эканлигига амин бўлдик.

Эстрада хонандалиги, каратэ, рақс, инглиз ва рус тиллари, мактабга тайёрлаш, карвинг, тўғри овқатланиш, тасвирий санъат ва бошқа шу каби тўгаракларга маҳалла аҳолиси ва мактабларнинг ўқувчи-ёшлари жалб этилмоқда.

— Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида номоддий маданий меросларимиз ҳисобланган санъатимиз ва халқ оғзаки ижодининг дурдоналарини тарғиб қилиш мақсадида бир қатор тўгараклар ташкил этилмоқда, — дейди марказнинг бадиий раҳбари Тўра Солиҳов. — Ўндан ортиқ тўгараклар фаолият юритаётган марказимиз туман аҳолиси учун муносиб тухфа бўлди. Кенг ва ёруғ хоналарда тўгарак аъзоларининг таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Мактабга тайёрлаш тўгарагида 3 ва ундан юқори ёшдаги ўғил-қизларнинг илк кўникмалари шакллантирилмоқда. Бу борада тўгарак раҳбари Лазиза Тўраеванинг ҳиссаси катта. 3 ёшдаги қизчанинг инглиз тилида берилган саволларга жавоб қайтараётганини эшитиб, келажакда юртимиз шарафини дунёга танита оладиган авлод етишиб чиқаётганига ишонч ҳосил қилдик.

— Ўсиб келаётган авлод қалбида санъатга бўлган меҳрни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди балетмейстер Юлдуз Зияматова. — Миллий рақсларимиз бутун дунё аҳлини ром этиб келади. Келгусида марказимизда рақс сир-асрорларини мукаммал эгаллаётган қизларимиз сафини кенгайтириб, санъатимизни жаҳонга намоён этишни режалаштирганмиз.

Кўзлари қувончдан порлаб турган тўгарак аъзоларини суҳбатга чорладик.

— Тасвирий санъатнинг сержило сеҳри мени болалигимдаёқ ўзига ром этган, — дейди 126-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Ҳусан Носиров. — Шу сабабли турар жойимга яқинда жойлашган мазкур марказга тасвирий санъат бўйича тўгаракка қатнашяпман. Мультфильм қаҳрамонлари, табиат манзаралари ва бошқа кўплаб расмларни чизиб келмоқдаман. Устозим Санжар ака Шарофиддиновнинг кўрсатаётган йўл-йўриқлари мазкур санъат турини мукаммал эгаллашимда асқотади деб ўйлайман.

— 280-умумтаълим мактабида ўқиш билан бир қаторда марказдаги рақс тўгарагига қатнашиб келмоқдаман, — дейди Мадинабону Зиятова. — Тикиш-бичиш ҳамда тасвирий санъат тўгаракларига ҳам қатнашиш истагидаман.

— Янги марказда "Бекбону" гуруҳига синфдошларим Малика Сатторова, Нилуфар Облобердиевалар билан қатнашиб келамиз, — дейди Шаҳризода Ўринбоева. — Қўшиқ айтишга бўлган қизиқишим кучлилиги ҳамда бўш вақтимни мазмунли ўтиши учун марказдаги тўгаракда соҳа сирларини ўрганяпман. Келгусида дугоналарим билан бадиий гимнастика, карвинг ва бошқа тўгараклар аъзоси бўлишни режалаштирдик.

Очилиш маросимида 15-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази бадиий жамоалари томонидан тайёрланган концерт дастури, каратэ тўгарак аъзоларининг кўргазмали, "Фахрия" хор жамоасининг бадиий чиқишлари барчага манзур бўлди.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

*Тошкент шаҳар ҳокимининг*
*ФАРМОЙИШИ*

## ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАШКИЛОТИ ЖАМҒАРМАСИГА ХАЙРИЯ ТЎПЛАШ ЎН КУНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 майдаги "Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида"ги ПФ-411-сонли Фармони ва 2005 йил 23 июндаги "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-107-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги "Кекса ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 237-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 октябрдаги "Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида"ги 458-сонли қарори, 2011 йил 24 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 242-сонли қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 16 июндаги БА/31-01/1-32-09/301-сонли, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2014 йил 11 мартдаги 9-32-502/1-сонли ҳамда 2015 йил 9 январдаги БА/31-01/1-34-11/17-сонли хатлари ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг 2015 йил 16 сентябрдаги 01-419-сонли мурожаатини инобатга олиб, Давлат дастурларини бажариш, жамиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд аҳоли, якка-ёлғиз кекса қариялар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва табиий офатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш борасидаги Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг 2016 йилдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

**1.** 2015 йил 16 ноябрдан – 26 ноябргача Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти жамғармасига хайрия тўплаш ўн кунлиги эълон қилинсин.

**2.** Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти жамғармасига хайрия тўплаш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари:

Тошкент шаҳридаги бошқармалар, ташкилотлар, корхоналар, маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасаларида хайрия тўплаш ўн кунлиги давомида жамиятнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, ходимларни жамоавий аъзоликка жалб этиш ва аъзолик маркаларини тарқатиш тавсия этилсин.

**4.** Ташкилий қўмита аъзоларига:

Жойларда хайрия тўплаш ўн кунлигини уюшқоқлик билан ўтказиш, хайрия маблағларини белгиланган тартибда Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти жамғармасига ўтказилишини назоратга олиш ҳамда ходимларни фавқулодда ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш асосларига тайёрлаш бўйича шартнома асосида ўқитиш вазифалари юклатилсин.

**5.** Туман ҳокимликлари:

Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ва туман бўлимлари жамғармасига хайрия тўплаш ўн кунлигини ўтказиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилсин.

**6.** Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси (Э.Таштемиров), Ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов), Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Б.Рахмонқулов), Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси (Ж.Исламов): Шахсий таркиб ўртасида Қизил Ярим ой жамиятига жамоавий аъзолик бадалини йиғиш юзасидан тарғибот ишлари кенг кўламда олиб борилсин.

**7.** Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, муассаса ва ташкилотларга:

Хайрия йиғиш ўн кунлигини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда жамоа розилиги асосида тўпланган маблағларни белгиланган тартибда Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бош амалиёт бўлимининг ҳисоб рақамига ўтказилиши тавсия этилсин (Ҳ/Р: 20212000900126451001, МФО: 00407; ИНН:200896573 ХХТУТ: 98600).

**8.** Мазкур фармойиш "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

**9.** Мазкур фармойишнинг бажарилиши тўғрисидаги ёзма маълумотлар 2016 йилнинг 10 январига қадар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Капитал қурилиш, коммунал соҳа, ободонлаштириш, саноат ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуасига тақдим этилсин.

**10.** Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Р.Усманов**

*2015 йил 5 ноябрь*

***Фармойишнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### *"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2015 йил 22 декабрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Сергели туман СИБ томонидан, 20.06.2014й. кунги 10-1410/7618-сонли ижро варақа, Сергели туман СИБ ҳудудида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав.бел. 10/M000147 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 140 000 сўм. 2. Юнусобод туман СИБ томонидан, 1.06.2015й. кунги 29978-79-сонли ижро варақа, 8-сонли автосарой АЖ жарима майдонида сақланаётган, 2013 йилда и/ч дав.бел. 01/C899QA бўлган "Кобалт" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 47 000 000 сўм.

2015 йил 10 декабрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 24.03.2014й. кунги 1-12/14-сонли ижро варақа, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/126NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/154NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 3. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/145MAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 4. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/802OAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 5. 1999 йилда и/ч дав.бел. 01/010TAA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 80 750 000 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/075ZAA бўлган "Audi S5 Coupe 4.2" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 266 452 200 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав.-бел. 01/337DAA бўлган "Lexus LS460L" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 205 200 000 сўм. 8. 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/763TAA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 52 250 000 сўм. 9. 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/B432HA бўлган "Audi A8L Quatro" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 213 750 000 сўм. 10. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/N557JA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 42 560 000 сўм. 11. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/470NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 605 000 сўм. 12. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/438NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 799 145 сўм. 13. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/544NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 14. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/439NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 15. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/856LAA бўлган "Hyundai H-100" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 300 000 сўм. 16. 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/906DAA бўлган "Лада11184-114-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 17. 1999 йилда и/ч дав.бел. 01/905DAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 340 000 сўм. 18. 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/275EAA бўлган "АГБСНГГАЗ330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 000 000 сўм. 19. 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/920DAA бўлган "Ваз11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 475 000 сўм. 20. 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/921DAA бўлган "Лада11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 21. 2007 йилда и/ч дав.бел. 01/913DAA бўлган "Ваз21041-182-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 955 000 сўм. 22. 2006 йилда и/ч дав.бел. 01/922DAA бўлган "Лада11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 525 000 сўм. 23. 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/908DAA бўлган "Лада11174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 24. 2006 йилда и/ч дав.бел. 01/911DAA бўлган "Ваз21104" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 25. 1956 йилда и/ч дав.бел. 01/056TAA бўлган "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 084 129 сўм. 26. 1969 йилда и/ч дав.бел. 01/069TAA бўлган "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 016 131 сўм. 27. 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/061WBA бўлган "Isuzu NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 000 000 сўм. 28. 1941 йилда и/ч дав.бел. 01/041MAA бўлган "Гономак" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 221 240 сўм. 29. 1943 йилда и/ч дав.бел. 01/043MAA бўлган "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 415 274 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. 29.11.2013й. кунги 39618/19-сонли ижро варақа, 2002 йилда и/ч дав.бел. 85/K775BA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 35 978 339 сўм. 2. 29.11.2013й. кунги 39616/19-сонли ижро варақа, сақланаётган 1981 йилда и/ч дав.бел. 01/Q079HA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 676 949 сўм. 3. 16.04.2012й. кунги 13368/5-сонли ижро варақа, 1990 йилда и/ч дав.бел. 10/987FAA бўлган "Газ 53" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 181 153 сўм. 4. 16.04.2012й. кунги 13368/5-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.бел. 01/Q585CA бўлган "CHANASC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 035 029 сўм. 5. 30.10.2013й. кунги 36235/19-сонли ижро варақа, 2004 йилда и/ч дав.бел. 10/Y051DA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 275 003 сўм. 6. 20.02.2014й. кунги 5668/6-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/Y426NA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 053 248 сўм. 7. 22.01.2014й. кунги 2273/19-сонли ижро варақа 1978 йилда и/ч дав.бел. 10/J106FA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 805 324 сўм. 8. 22.01.2014й. кунги 2263/19-сонли ижро варақа, 1983 йилда и/ч дав.бел. 10/H045HA бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 980 996 сўм. 9. 15.04.2011й. кунги 5867/21-сонли ижро варақа, 1989 йилда и/ч дав.бел. 30/A3258 бўлган "Заз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 384 768 сўм. 10. 06.09.2013й. кунги 32175/6-сонли ижро варақа, 1998 йилда и/ч дав.бел. 90/W136CA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 671 700 сўм. 11. 7.12.2010й. кунги 16024/21-сонли ижро варақа, 1986 йилда и/ч дав.бел. 30/I7458 бўлган "Заз-968" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 140 195 сўм. 12. 20.10.2014й. кунги 33301/19-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.бел. 30/T2191 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 190 133 сўм. 13. 5.12.2014й. кунги 40355/19-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав.бел. 10/M404GA бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 567 554 сўм. 14. 20.10.2014й. кунги 33305/19-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.бел. 70/P604HA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 535 157 сўм. 15. 20.10.2014й. кунги 33299/19-сонли ижро варақа, 1997 йилда и/ч дав.-бел. 01/R586MA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 899 503 сўм. 16. 20.10.2014й. кунги 33300/19-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 60/Q554EA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 279 298 сўм. 17. 20.10.2014й. кунги 33296/19-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/B725OA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 899 988 сўм. 18. 20.10.2014й. кунги 33298/19-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/T140KA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 453 896 сўм. 19. 05.12.2014й. кунги 40354/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/C810PA бўлган "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 304 500 сўм. 20. 05.12.2014й. кунги 40364/19-сонли ижро варақа, 1999 йилда и/ч дав.бел. 01/Y972MA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 288 883 сўм. 21. 20.10.2014й. кунги 33308/19-сонли ижро варақа, 2004 йилда и/ч дав. бел. 30/P7714 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 043 848 сўм. 22. 05.12.2014й. кунги 40358/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 10/ L474HA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 39 439 250 сўм. 23. 05.12.2014й. кунги 40353/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 10/T425GA бўлган "ГБА СПГ Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 29 609 684 сўм. 24. 05.02.2015й. кунги 1902/19-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.бел. 01/Q892BA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 472 072 сўм. 25. 10.03.2015й. кунги 7245/19-сонли ижро варақа, 2007 йилда и/ч дав.бел. 01/Z093JA бўлган "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 961 025 сўм. 26. 05.12.2014й. кунги 40363/19-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/A029RA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 641 091 сўм. 27. 21.05.2015й. кунги 10565/19-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/T896OA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 968 283 сўм. 28. 24.04.2015й. кунги 9247/6-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/D638KA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 302 982 сўм. 29. 30.01.2015й. кунги 1522/19-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав.бел. 01/F182NA бўлган "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 494 246 сўм. 30. 21.01.2015й. кунги 609/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/O082OA бўлган "Спарк M300" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 787 561 сўм. 31. 21.05.2015й. кунги 10562/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/H992KA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 041 816 сўм. 32. 09.04.2015й. кунги 8429/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/O531FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 445 132 сўм. 33. 21.01.2015й. кунги 613/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 10/C455EA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 50 998 176 сўм. 34. 17.06.2015й. кунги 16021/6-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 10/E101EA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 408 500 сўм. 35. 21.01.2015й. кунги 634/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.-бел. 10/Y740CA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 281 433 сўм. 36. 30.01.2015й. кунги 1527/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/O636JA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 854 332 сўм. 37. 21.01.2015й. кунги 637/19-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав.бел. 01/P592NA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 766 384 сўм. 38. 21.01.2015й. кунги 7466/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/C166RA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 500 000 сўм. 39. 21.01.2015й. кунги 10564/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/B254NA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 486 558 сўм. 40. 21.01.2015й. кунги 10557/19-сонли ижро варақа 2011 йилда и/ч дав.бел. 40/U413CA бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 798 176 сўм. 41. 9.04.2015й. кунги 8431-32/19/19-сонли ижро варақа, 2004 йилда и/ч дав.бел. 01/448HCA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 125 189 сўм. 42. 9.04.2015й. кунги 8431-32/19/19-сонли ижро варақа, 2002 йилда и/ч дав.бел. 01/539HCA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 857 128 сўм. III. Сергели туман СИБ томонидан, 20.06.2014й. кунги 10-1410/7037-сонли ижро варақа, Сергели туман СИБ ҳудудида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/209BBA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 638 547.1 сўм. IV. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан, 13.05.2015й. кунги 17702-03/25-сонли ижро варақа, "Авто Плаза Сервис" МЧЖда сақланаётган: 1. 2005 йилда и/ч дав. бел. 01/A883FA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 508 416 сўм. 2. 2006 йилда и/ч дав.бел. 01/H273CA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 285 181 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388.*

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан ФИБ** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2014 йил 3 декабрдаги 1-5439/14-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, 58-Ҳарбий шаҳарча, 70/1-уй манзилида жойлашган умумий майдони 41,70 кв.м, фойдаланиш майдони 19,11 кв.м бўлган, 1 хонадан иборат 7-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 54 400 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2015 йил 23 декабрь куни соат 15:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 21 декабрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.



*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри 86-ижодий мавсумининг очилиш маросими бўлди.*

# КАТТА ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Жалолов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий театр санъатини ривожлантириш, санъатимизнинг мумтоз анъаналарини асраб-авайлаш ва жаҳонга кенг тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Маданият ва санъат равнақи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли театр жамоаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни давр руҳига ҳамоҳанг, томошабинларни эзгуликка чорловчи, бадиий дид ва тафаккурини юксалтиришга хизмат қилувчи асарлар яратиш имконини бермоқда.

Бу жиҳатлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топмоқда. Мазкур ижодий жамоа мамлакатимизда театр санъати соҳасида эришилган ютуқларни, миллий театр мактабининг ўзига хос анъаналарини нафақат юртимиз, балки чет эл томошабинларига намойиш этиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан театр биноси реконструкция қилиниб, мутлақо янгича, янада кўркам ва бетакрор қиёфа касб этди. Бунёдкорлик ишлари жараёнида бинодаги ноёб меъморлик, тасвирий ва амалий, безакли-декоратив санъатнинг гўзал намуналарини асл ҳолича сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда томоша залида, фойеда томошабинлар учун барча зарур шароит яратилган. Зал, саҳна, оркестр учун мўлжалланган махсус жой энг замонавий ижро, ёритиш ва овоз кучайтириш ускуналари билан жиҳозланган.

– Театримиз мухлисларга ўз эшикларини очаётгани санъатсевар халқимиз, санъаткорларимиз учун чинакам туҳфадир, – дейди театр режиссёри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайдарали Қосимов. – Тўлиқ реконструкция қилинган театр биносида актёрлар, хонанда ва раққосалар, хор ва оркестр жамоалари, рассомлар, барча ижодкорларнинг самарали меҳнат қилиши учун ҳамма шароит яратилгани бутун жамоамизни беҳад қувонтирмоқда.

– Тинчлик ва осойишталик барқарор юртдагина санъат гуллаб-яшнайди, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Аваз Ражабов. – Театримиз жамоаси янги ижодий мавсумни бошлаётгани ҳаммани – санъаткорлару мухлисларни суюнтирмоқда. Бунинг учун Президентимиздан ғоят миннатдормиз. Бундай эътибор янада завқ ва илҳом билан ижод қилишга, томошабинларга етук асарларни тақдим этишга ундайди. Бу – бизнинг бурчимиз.



Аъло Абдуллаев олган суратлар

– Театр биносини кўздан кечириб, Ўзбекистонда санъатга, хусусан, опера ва балет санъатига улкан эътибор берилаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдим, – дейди Тошкентдаги Турин политехника университети профессори Маурицио Россо. – Ўзбек опера хонандалари бугунги кунда ўз ижодини дунёнинг машҳур саҳналарида намойиш этиб, олқишларга сазовор бўлмоқда. Уларнинг юксак маҳорати, жаҳон классик композиторларининг асарларини маромига етказиб ижро этиши ҳар қандай томошабинни лол қолдиради, завқ-шавқ бағишлайди.

...Катта театримиз 86-мавсумининг очилиш маросимида ўзбек ва жаҳон композиторларининг асарларидан намуналар, ўзбек мумтоз ашулаларидан иборат концерт намойиш этилди.

**(ЎзА)**

# МИЛЛИЙ КУТУБХОНАДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида INFOLIB – 2015 ҳафталиги доирасида озарбойжонлик ёзувчи-олим Юнус Ўғузнинг "Малика ва жодугар" романининг тақдимоти ва ижодий учрашув бўлиб ўтди.***

Учрашувда олимлар, ўқувчи-талаба ёшлар, шоир ва ёзувчилар, таржимонлар, миллий кутубхона фойдаланувчилари, Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон маданият маркази вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Китобхонларга тақдим қилинаётган романда Ўрта асрда Озарбойжонда сафавийлар сулоласининг инқирози, иймон-эътиқод йўлидаги курашлар, маънавий-ахлоқий муаммолар тарихий воқеалар, ҳаётий лавҳалар орқали ёритилган. Озарбойжон Маданият маркази директори Самир Аббосов, Тошкент Давлат педагогика университети доценти, адабиётшунос Гулбаҳор Ашурова, шу китоб таржимони Усмон Қўчқор маърузалари билан бошланган давра суҳбатида сўзга чиққан шоир ва ёзувчилар, олимлар, таржимонлар, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Романда аёл талқини, сафавийлар сулоласи, Ўрта асрдаги тарихий жараён, сарой ҳаёти, маънавият масалалари манбаларни атрофлича ўрганиш асосида ёритилганлиги, тарихий хотиранинг ҳозирги даврда инсон тарбиясидаги аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейида "Ёшлар баркамоллиги йўлида" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.***

**Таълим**

# ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

— Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад келажаги порлоқ ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Президентимиз асарларининг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш, шунингдек, мамлакатимизда бугунги кунда эришилаётган ютуқлар, унинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрнини тўлақонли тушунтиришдан иборатдир, — дейди Учтепа академик лицейининг маънавият бўлими ходими Барно Норова.

Очиқ мулоқотда "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши бўлим мудири З.Шабанов, Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари Ҳ.Эргашжонов, С.Дилмуродова, Ж.Шамсутдинов лицей ўқувчиларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, юртимиз тараққиёти ва ривожланиши йўлида қўлга киритилаётган ютуқлар, ёшларнинг истиқболли келажаги йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келажак авлодни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир қизиқарли баҳс-мунозаралар ва очиқ мулоқот тарзида ўтди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

**Спорт янгиликлари**

***Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида футбол бўйича уюштирилган жаҳон чемпионати ва Осиё Кубогига қўшма саралаш босқичининг "Н" гуруҳидаги Яман — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги баҳс ўзбекистонлик мухлисларга бир олам қувонч бахш этди.***

# САФАРДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБА

Зеро, Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги миллий терма жамоамиз саралаш босқичининг кетма-кет ўтказилган 5 та беллашувида ишончли ғалабага эришди ва кейинги босқичга пешқадам сифатида йўлланма олиш учун яхши имкониятга эга бўлди. Шу боис мухлислар миллий терма жамоамизни янада қизғин қўллаб-қувватлай бошлашди. Буни "Пахтакор" стадионида Шимолий Кореяга қарши ўтказилган ўйинда ҳам мухлисларнинг стадионни лиқ тўлдириб ўтиришганидан пайқаш қийин эмасди.

Энди сафарда Яманга қарши кечган баҳс ҳақида гапирадиган бўлсак, яққол устунлик ҳамюртларимиз томонида бўлди. Рақиб дарвозасига кўп марта хавфли ҳужумлар уюштирган терма жамоамиз фақат уч бор дарвозани аниқ нишонга ола билишди. Агар вазиятлардан самарали фойдалана олишганида футболчиларимиз бундан-да йирик ҳисобда зафар қучишар эди.

Бу ўйинда рақиб дарвозасига гол киритиш Азиз Ҳайдаров, Сервер Жепаров ва Станислав Андреевга насиб этди. Мана шу 3:0 ҳисобидан сўнг терма жамоамиз аъзолари бироз хотиржамликка берилишди. Натижада яманликлар ҳам Лобанов дарвозаси олдида хавфли вазиятлар юзага келтиришди. Учрашув якунланиши арафасида эса мезбонлар Лобанов дарвозасига битта гол киритишди. Ўйин 3:1 ҳисобида Самвел Бабаян шогирдларининг ажойиб ғалабаси билан якунланди.

"Н" гуруҳида ушбу турда пешқадам КХДР ўз майдонида Баҳрайн терма жамоасини қабул қилиб 2:0 ҳисобида зафар қучди. Ўтказилган баҳслардан сўнг "Н" гуруҳида Шимолий Корея 16 очко жамғариб пешқадам бўлиб турибди. Корейслардан битта ўйин кам ўтказган ҳолда 15 очко жамғарган миллий терма жамоамиз иккинчи ўринда бормоқда.

Энди жаҳон чемпионатига саралаш босқичининг қолган иккита баҳслари келгуси йили ўтказилади. Унда Ўзбекистон Тошкентда Филиппин ҳамда Баҳрайн терма жамоалари билан куч синашади. Ушбу баҳслар келгуси йилнинг 24 ва 29 март кунлари бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА

***Озарбойжон пойтахти Баку шаҳрида 27-29 ноябрь кунлари спорт курашлари бўйича йилнинг энг сўнгги нуфузли мусобақаси – "Олтин" Гран-при турнири бўлиб ўтади.***

Аҳамиятлиси, ушбу йирик мусобақанинг турли вазн тоифаларида бир қатор полвонларимиз ғолиблик учун гиламга чиқишади.

Юнон-рум кураши бўйича Элмурот Тасмуродов (-59 кг.), Нурбек Холмуҳамматов (-71 кг.), Дилшод Турдиев (-75 кг.), Жонибек Отабеков (-80 кг.) ва Рустам Ассакалов (-85 кг.) каби спортчиларимиз иштирок этади. Классик курашчиларимиз айни дамда Беларусда ўқув-йиғин машғулотларини олиб боришмоқда.

Эркин курашчиларимиз ҳам кучли таркиб билан мусобақага боришади. Таркибдан Ихтиёр Наврўзов (-65 кг.), Бекзод Абдураҳмонов (-70 кг.), Рашид Қурбонов (-74 кг.) ва Умиджон Исманов (-86 кг.)лар ўрин олишган. Бу спортчиларимиз турнирга пойтахтимизда тайёрланишмоқда.

***Мексикада декабрь ойида таэквондо бўйича Гран-при сериясига кирувчи мусобақаларнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтади.***

# ХОРИЖЛИК ТАЭКВОНДОЧИЛАР ПОЙТАХТИМИЗДА

Катта Гран-при мақомини олган ушбу турнирда олимпия ўйинларига киритилган ҳар бир вазн бўйича дунёнинг энг кучли олти нафар спортчиси бош соврин учун курашади. Табиийки, айни дамда барча таэквондочилар ушбу турнирга тайёргарликни кучайтиришган.

Мусобақага пухта тайёргарлик кўриш учун Украина ва Беларусь терма жамоалари вакиллари айни дамда пойтахтимизда ўқув-йиғин машғулотларини олиб боришмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Мексикадаги турнирдан сўнг Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI Олимпия ўйинларида иштирок этувчи барча таэквондочилар номи аниқланади. Лицензия учун айни дамда вакилларимиздан Жасур Бойкўзиев ва Дмитрий Шокин, шунингдек, Никита Рафалович ўз вазн тоифаларида кураш олиб боришмоқда.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент Минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 8.07.2015 йилдаги 10-1505/13065-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган, "SARDOR IMPEX" ҚК Кредиторларининг 2015 йил 12 ноябрдаги 3-сонли йиғилиш баённомасига ва тугатиш бошқарувчисининг 2015 йил 13 ноябрдаги 38-сонли хатига асосан Тошкент шаҳар, Олмазор туман, Уста Ширин 1-тор кўчаси 254-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 966 кв.м. бўлган 2 қаватли бино ертўласи билан қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 827 125 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 18 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 16 декабрь куни соат 16:00.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

# ҲУШЁРЛИК БОР ЖОЙДА ХОТИРЖАМЛИК БАРҚАРОР

## Мамлакатимизда 20 ноябрдан 20 декабргача ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади

***Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайли халқимиз хотиржам, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бу кўпчилик ҳавас қиладиган энг олий неъматдир. Шу боис уни кўз қорачиғидек асраш, қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи зарур.***

Ёнғинларнинг олдини олиш ҳам осойишталикнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Зеро, бу ҳаётимиз хавфсизлигига, катта меҳнат билан бунёд этилган неъматларни асрашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Мазкур ойликнинг бошланиши ҳар биримиз, айниқса, ёнғин назорати хизмати ходимларига алоҳида масъулият юклайди.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиши, юртимиз қиёфаси, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи юксалишини таъминламоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Исмоил Шарипов. – Бунда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик муҳим аҳамият касб этаётир. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрилаётган чоралар ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ёнғинлар куз-қиш ойларида кўпроқ кузатилади. Боиси шу мавсумда уйда, ишхонада иситиш мосламалари, электр жиҳозларидан кўпроқ фойдаланилади. Бу борада қоидага амал қилмаслик, озгина эътиборсизлик кўнгилсизликка олиб келиши мумкин.

Ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-тушунтириш тадбирларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бу борада барчанинг фаоллиги ва ўзаро ҳамкорлиги жуда муҳим. Чунки ёнғин хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолиятига бевосита дахлдор.

2009 йилда қабул қилинган "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида бу ўз ифодасини топган. Унда ёнғинларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона ва хўжаликлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида масъулият юкланган. Уларнинг ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт тармоқлари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари кучайтирилмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасалар биноларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида соҳа ходимлари доимий фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўн ойи давомида содир бўлган ёнғинлар 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга камайгани ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Бу жараёнда ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида 46 мингга яқин корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилган. Аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг 83 фоизга яқинини бартараф этишга эришилган.

Содир бўлаётган ёнғинларнинг ярмидан кўпи аҳоли турар жойларига тўғри келаётганини инобатга олиб, асосий эътибор хонадонларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилмоқда. Уларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширилиши билан бирга аҳоли билан суҳбатлар олиб борилмоқда.

Текширувлар натижалари бўйича ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган ёки ёнғин назорати хизматларининг кўрсатмаларини бажармаётган 49,5 минг раҳбар, жавобгар шахс ва фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди. Зудлик билан бартараф этилмаса ёнғин содир бўлишига олиб келиши хавфи мавжуд бўлган корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди.

Ёнғин хавфсизлиги ойлигида ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаяди. Бу жараёнда барчанинг фаол иштирок этиши мамлакатимиз барқарорлигини, турмушимиз осудалигини мустаҳкамлаб, унинг файзига файз қўшади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Бинолардан фойдаланиш департаменти балансидаги Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23а-уй манзилидаги бинога тайёрланган 3-2/2007-сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **19 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6168 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ